

Қудачилик алоқалари (биринчи мақола)



17:45 / 31.08.2019 3469

«Никоҳ» деб аталган муқаддас алоқа фақат келин ва куёвнинг икковлари ўртасидаги робитадангина иборат эмас. Балки бу робита уларнинг ортида турган ота-оналари, оила аъзолари ва қавму қариндошларини ҳам ўз ичига олади. Никоҳнинг **жамият** аъзолари орасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга қиладиган катта хизмати ҳам ана шунда. Келин ва куёв сабабидан уларнинг оила аъзолари, уруғлари ва қариндошлари ҳам қудачилик асосида яқинлашадилар. Шунинг учун ҳам Исломда қудачилик алоқаларига алоҳида эътибор берилган ва унинг аҳамияти қайта-қайта таъкидланган ҳамда бу ҳақда шариатга керакли ҳукмлар киритилган.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

فَلْيُرَ رَبُّكَ وَكَانَ وَصِيهًا نَسَبًا فَجَعَلَهُ بَشَرًا مِّنَ الْمَاءِ مِمَّنْ خَلَقَ الَّذِي وَهُوَ

амал ҳам қилдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларга берган кўрсатмалари қудачилик ҳурматидан бутун бошли бир халққа яхшилик қилиш эди.

Уламоларимиз ушбу ҳадиси шарифнинг охиридаги «Чунки уларнинг ҳурмат-ҳақлари ва қариндошликлари бор ёки ҳурмат-ҳақлари ва қудачиликлари бор» жумласига алоҳида эътибор берадилар.

Бир гуруҳ **уламолар**, ҳадисдаги «қариндошлик» ҳурматидан Иброҳим алайҳиссаломнинг кичик аёллари Биби Ҳожар онамизнинг ҳурматлари ирода қилинган, дейдилар. Биби Ҳожар онамизнинг қиссалари қуйидагича:

Аллоҳ таолонинг улул-азм Пайғамбарларидан бўлмиш Иброҳим алайҳиссалом жуфти ҳалоллари Сора онамиз билан узоқ ҳаёт кечирдилар. Уларнинг ҳаёти Аллоҳ таоло ва дин йўлида кураш билан ўтди. Фарзанд кўрмадилар. Қариб қолганларига қарамай, кофир қавмлар у зотни тинч қўймаганликлари сабабли, она ватанлари Фаластинни тарк этиб, аёллари билан бирга Мисрга кетишга мажбур бўлдилар. Ўша вақтдаги Миср подшоҳи у зот ҳақида турли гаплар борлигини эшитиб, ҳузурига чорлатди.

(Давоми бор)

«Бахтиёр оила» китобидан